



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЭРКИНЛИК ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Собиржонов Санжар Собиржонович,

Тошкент молия институти “Менежмент ва маркетинг” кафедраси доценти.,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент, Ўзбекистон.

Email: sanjarsobirjon@gmail.com

CURRENT STATUS OF USE OF FREEDOM PRINCIPLES IN THE MANAGEMENT OF BUSINESS ACTIVITIES

Sobirjonov Sanjar Sobirjonovich,

Associate Professor of the "Management and Marketing" Department of the Tashkent Financial Institute, Doctor of Philosophy (PhD) in Economics, Tashkent, Uzbekistan.

Email: sanjarsobirjon@gmail.com

JEL Classification: L2, L26

Аннотация: мақолада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришини такомиллаштиришида тежсамкор технологияларни қўллаши, рақамли технологиялар орқали самарали бошқаришини ташкил этиши, тадбиркорлик фаолияти инфратузилмасини комплекс ўрганиши, ходимларни мотивлаштиришининг афзалликлари, иқтисодиётни эркинлаштириши шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришини такомиллаштиришида оқилона қарорлар қабул қилиши, иқтисодий-ижтимоий жараёнларни молиявий усуллар орқали разбатлантириши, самарали бошқарув механизmlарини ишлаб чиқиши ва уларни ривожлантиришида энг қулай усуллардан фойдаланиши. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришида эркинлик тамойилларидан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритшида кўрсатилаётган инфратузилмавий ҳолатлар, лицензия ва руҳсатномалар билан боғлиқ ҳолатлар, ташки иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳолатлар, тадбиркорларнинг эркин

фаолият юритшида банк билан боғлиқ ҳолатлар, ноқонуний аралашиб билан боғлиқ ҳолатлар, молия ва ҳисоб билан боғлиқ ҳолатлар, ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолатлар, тадбиркорларнинг самарали фаолият олиб боришида рақамли технологиялардан фойдаланиши ҳолати ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини самарали бошқаришини баҳолаши натижалари муҳокама этилган.

Abstract: in the article, the use of cost-effective technologies in improving the management of small business and private business entities, the organization of effective management through digital technologies, a comprehensive study of the infrastructure of business activity, the benefits of motivating employees, making rational decisions in improving the management of small business and private business entities in the context of economic liberalization to do, stimulate economic and social processes through financial methods, develop effective management mechanisms and use the most convenient methods in their development. Also, the current state of using the principles of freedom in the management of small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan, infrastructural conditions in the free activity of



entrepreneurs, conditions related to licenses and permits, conditions related to foreign economic activity, conditions related to the bank in the free activity of entrepreneurs, illegal interference cases related to finance and accounting, educational courses, training, cases related to participation in master classes, the use of digital technologies in the effective activities of entrepreneurs, and the results of evaluating the effective management of small business and private business entities were discussed.

Калит сўзлар: digital government, инфратузилма, лицензия, сертификат, бизнес-форум, рақамли технология.

Keywords: digital government, infrastructure, license, certificate, business forum, digital technology.

Кириш. Иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда эркинлик тамойилларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати қай тарзда эканлиги юзасидан таҳлил қилиш асносида фикрларимизни давом эттириши ўринли деб топдик. Сир эмаски, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тадбиркорларни қийнаб келаётган масалалар ёритилиб, уларга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун тадбиркор учун энг катта қурол сўз эркинлиги берилди. Айтиш жоизки, бу демократик ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган мамлакатлар учун хос бўлган йўл саналади.

Бу борада юртбошимиз "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак"^[1] эканлигини таъкидлаб ўтган. Фикримизча, масалаларга қарсак чалиш билан жавоб қайтарадиган бўлсанк, бизнинг олдимизда турган муҳим масалаларни ечишда кўплаб муаммоларга дуч келишимиз мумкин бўлади.

Тадбиркорни бугунги куннинг таъбири билан айтганда давлатни бой қилувчи, хар қандай иқтисодий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч десак хато айтмаган бўламиз. Чунки,

тадбиркор ўз сармояси орқали иқтисодиётда қўшимча қиймат яратиб, истеъмолчиларнинг қондирилмаган эҳтиёжларини қондиради. Иқтисодиётнинг асосий қон томири бўлган пул оқими ҳаракатини тезлаштиради. Иқтисодий эркинлик, бизга реал иқтисодиётда тадбиркорлик субъектлари ҳатти-харакат эркинлигини таъминламасдан туриб юқори иқтисодий кўрсаткичга эришиб бўйламаслигини кўрсатиб бермоқда. Чунки замонавий инновацион технологияларга асосланган асрда хар қандай таваккалчиликларга тура оладиган эркин тадбиркор керак. Фикримизча, бундай тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш учун давлат томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолати ҳамда эркинлигини юқори таъминловчи мезонлар ишлаб чиқилиб, амалий натижаси давлат назорати остида бўлиши лозим.

Материал ва метод. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга доир муаммоларини ўрганиш борасида хорижлик иқтисодий олимлар томонидан кўп йиллик илмий – тадқиқот ишлари олиб борилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришни эркинлаштиришга қаратилган назарий изланишлар тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Иқтисодий ва бошқарув фанлари тарихида буюк инглиз иқтисодчи олимларидан Р.Кантильон, француз иқтисодчи олими А.Тюрго, классик иқтисодий мактаб намоёндаларидан А.Смит, Д.Рикардо, Дж.С.Милл, классик иқтисодий мактабнинг Франциядаги изчил давомчиси саналган Жан Батист Сей, шунингдек, миллий иқтисодиётга либерал тамойиллар асосида давлат аралашуви зарурлигини асослаган иқтисодчи олимлардан Дж.М.Кейнс, американлик иқтисодчи олимлардан М.Фридменлар, немис классик иқтисод мактаб намоёндалари И. Тюнен ва Г. Манголд, австралиялик олим Д.Шумпетер, фирмалар фаолиятини бошқариш билан боғлиқ масалаларни

ўрганган америкалик олима Р.Кауза, тадбиркорлик ва бизнесни ўзаро бирбидан фарқли жиҳатларини ўрганган олим Алан Хоскин ҳамда инглиз иқтисодчи олими К. Николас томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқариши эркинлаштириш муаммоси ва унинг зарурлигини асослашга ҳамда мавзу доирасидаги айrim жиҳатларини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини кўшганлар. Шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчиларидан Г.Мэнкью, Дж.Стigliци, П.Самуэльсон, К.Р.Макконелл ва С.Л.Брюлар ҳам мазкур муаммони ўрганишга катта ҳисса кўшганлар.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг назарий ва амалий ривожи М.Шарифхўжаевлар, А.Ўлмасов, К.Муфтайдинов, У.В.Гафуров, П.Абулқосимов., А.Қулматов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, А.А.Фаттахов, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, И.А.Бакиева, ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. [5-24]

Натижалар. Моҳиятан, тадбиркор ва ишлаб чиқариш омиллари ўртасида қонуний жиҳатдан аниқлик таъминланган бўлиши даркор. Чунки тадбиркор фаолият юритар экан, у бевосита давлат билан бирга ҳаракатни амалга оширишга мажбур бўлади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида юртбошимизнинг "...илгор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт. Ана шу тизим орқали ҳар бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса сўнгти фавқулодда чора сифатида адолатли ўтказиш лозим" дея таъкидлаб ўтганларини келтиришимиз мақсадга мувофиқдир. [2]

Бу амалий ишлар бежизга эмас, албатта, яратилаётган имкониятларга

қарамасдан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда тадбиркорларимиз қатор муаммоларга дуч келаётгани масалани долзарблигини келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, мавжуд имконият ҳамда масалаларга нисбатан танқидий ёндашиб, тадбиркор йўлига тўсиқ бўлаётган омилларни аниқлигича ўрганишни олдимизга мақсад қилиб кўйдик. Бунинг учун тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри уларни қийнаб келаётган муаммолар ва имкониятлар хусусида аноним сўровнома ўтказилди ва таҳлил қилинди.

Бугунги прогрес жараёнлари рақамли бошқарув тизимининг илгор тажрибаларини Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам қўллаш вакти келганлигини кўрсатиб бермоқда. Маълумки, давлат билан тадбиркор фаолиятини трансформациялашуви ҳозирги кунда халқаро амалиётда электрон тизим орқали амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, "Digital government" тизимини амалиётга жорий қилиниши мамлакат учун шаффоғ қарор қабул қилинишида муҳим қадам бўлади. Ўйлаймизки, Ўзбекистонда бу тизимни қабул қилиниши тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим бўлиб хизмат қиласди.

Юқоридагилардан маълумки, Республикаизнинг қатор вилоят ва шаҳарларида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига таъсир кўрсатувчи омиллар сўровнома асносида таҳлилий ўрганилди. Ўтказилган сўровномада ҳар бир вилоят ва шаҳардан 20 тадан тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Респондентлар томонидан берилган хulosаларга мувофиқ, қуйидаги таҳлилий натижалар сархисоб қилиниб чиқилди.

1-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида кўрсатилаётган инфратузилмавий ҳолатлар (2021 йил (сонда)¹

№	Йўналиш	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в
Муаммосиз		Муаммо		Кунига неча соат узилиши						
1	Газ таъминотидаги	15	12	5	5	8	15	-	2	3
2	Электр тармоғидаги	20	7	10	-	13	10	-	2	3
3	Сув тармоғи ва канализация	18	10	8	2	10	12	-	5	7
4	Иссиқлик таъминотидаги	12	5	5	8	15	15	-	2	3
5	Телефон тармоғидаги	20	12	10	-	8	10	-	-	-
6	Ер ажратиш	8	4	4	12	16	16	-	-	-
7	Бўш турган бино ва иншоатларни фойдаланиш учун олиш	7	3	5	13	17	15	-	-	-
8	Архитектура-лойиха хужжатларини тайёрлаш	10	8	8	10	12	12	-	-	-

Келтирилган 1-жадвалнинг таҳлилий натижалари юзасидан шундай хulosага келиндики, унга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари газ таъминоти бўйича 41,6% (25 та), электр тармоғи бўйича 38,3% (23 та), сув тармоғи ва канализация бўйича 40% (24 та), иссиқлик таъминоти бўйича 63,3% (38 та), телефон тармоғига уланиш бўйича 30% (18 та), бўш турган бино ва иншоатларни фойдаланиш учун олиш бўйича 75 % (45 та) ва архитектура лойиха хужжатларини тайёрлаш бўйича 40% (24 та) респондентлар томонидан олиб борилаётган фаолият салбий баҳоланди.

Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аксари муаммовий жихатларидан бири ҳам бу ер ажратиш ҳамда бўш турган бино ва иншоатлардан фойдаланишдаги ҳолатлар билан боғлиқ. Респондентлар томонидан

келтирилган фикрларга кўра, Тошкент шаҳрида газ, электр, сув тармоғи ва канализация, иссиқлик таъминоти ҳамда телефон тармоғига уланиш ҳамда узилишдаги муаммолар деярли мавжуд эмас. Лекин Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида инфраструктуравий ҳолатлар тадбиркорларнинг бу борадаги эҳтиёжларини етарли даражада таъминлай олмаяпти. Жадвалдан кўриниб турибдики, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида кунига 2-3 соатдан газ, электр, сув тармоғи ҳамда иссиқлик таъминотида узилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўз навбатида, бу тадбиркорларимизнинг кунлик тўла қувватда ишлаш имкониятини чеклаб қўйимоқда. Айтиш мумкинки, маҳсулотни ўз вақтида етказиш каби масала бугунги кунда тадбиркорни қийнаётган энг оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

2-жадвал

¹ Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида лицензия ва рухсатномалар билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда)²

№	Йўналиш	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в
Муаммосиз		Муаммо					
1	Лицензия олиш	15	13	10	5	7	10
2	Рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш	18	10	8	2	10	12
3	Сертификат ва стандартлаштириш	14	8	6	6	12	14

2-жадвал маълумотларига кўра, Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган сўровномалarda лицензия олишда 36,6% (22та), рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда 40% (24та), сертификат ва стандартлаштиришда 53,3% (32та) respондентлар тўсиқларга дуч келганикларини билдириб, салбий фикрларни келтириб ўтган.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳалардан – лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларида жиддий муаммолар мавжуд. Хусусан, 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ва назорат қилиш учун жорий қилинмаганлари хам бор. Айтиш ўринлики, албатта, бу тадбиркорларнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда. 2-жадвалда келтирилганидек, Тошкент шаҳрида лицензия олиш билан боғлиқ масалалар ижобий ҳолатини сақлаб келмоқда. Респондентлар билан ўтказилган

сўровномалардан маълум бўлдики, Тошкент шаҳрида 20 та respондентдан 75% (15та) лицензия олиш масаласида ҳеч қандай муаммога дуч келмаганлигини билдирган бўлса, 5 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бориш юзасидан лицензия олиш мақсадида мурожаат қилишганида турли тўсиқларга рўбаро келишганини таъкидлаб ўтди. Масалани муаммовий жиҳати шундан иборатки, чекка вилоятларда лицензия бериш тартиби ҳали-ҳанузгача тадбиркорларнинг имкониятини чеклаб қўймоқда. Қашқадарё вилоятида ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатдик, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида лицензия ва рухсатномалар билан боғлиқ муаммолар сакланиб қолмоқда. Respондентларнинг лицензия олиш бўйича 50% (10та), рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича 60% (12та) ҳамда сертификат ва стандартлаштириш бўйича 70% (14та)и муаммовий ҳолатлари мавжудлигини айтиб ўтишди.

² Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

З-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда)³

№	Йўналиш	Тошкент Ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент Ш	Самарқанд в	Қашқадарё в
Муаммосиз		Муаммо					
1	Лицензия олиш	18	15	10	2	5	10
2	Инвестор топиш	14	10	7	6	10	13
3	Бизнес-форум ва кўргазмаларда қатнашиш	16	15	8	4	5	12
4	Хорижий ҳамкорга виза олишни ташкил этиш	18	17	19	2	3	1
5	Маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш	12	10	10	8	10	10
6	Маҳсулот ва хизматларни импорт қилиш	15	10	10	5	10	10

З-жадвал маълумотларига кўра, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳолатлар, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият юритишида лицензия олишда 28,3% (17та), инвестор топиш масалалари бўйича 48,3% (29та), бизнес-форум ва кўргазмаларда қатнашиш ҳолати бўйича 35% (21та), хорижий ҳамкорларга виза олишда 10% (6та), муҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича 46,6% (25та), маҳсулот ва хизматларни импорт қилиш бўйича 41,6% (25та) респондентлар мавжуд ҳолатни қониқарсиз дея эътироф этди. Бундан хulosса қилиш мумкинки, ташқи иқтисодий фаолият юритища хорижий ҳамкорларга виза олиш билан боғлиқ ҳолатларни 90% яъни 54 нафар респондент ижобий баҳолаган. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидағи ҳолат Тошкент шаҳрига қараганда қониқарсиз даражада эканлиги ўтказилган сўровномалар натижасида ўз тасдиғини топди. Таҳлилларимизга кўра, маҳсулот

ва хизматларни экспорт қилиш ҳамда импорт қилиш борасида Самарқанд вилояти ва Қашқадарё вилоятларида бир хил ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Яъни, респондентлар иккала ҳудудда ҳам муаммо ва имкониятлар мавжудлигига тўхталди. Унга кўра, Самарқанд вилоятида 33,3%, яъни 20 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот импорт ва экспорт қилиш борасида ҳеч қандай муаммо йўқлигини билдирган бўлса, қолган 20 нафари ушбу ҳудудлардан маҳсулотни чекка давлатларга олиб чиқиш борасида кўплаб муаммоларга дуч келаётганлигини таъкидлаб ўтган. Олиб борилган сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида инвесторлар топиш масаласида тегишли ташкилотларга мурожаат қилганда, муаммоли ҳолатларга дуч келишган. З-жадвалга кўра, тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалаларига эътибор пойтахтда вилоятларга қараганда яхшироқ экан дея хulosса қилиш мумкин.

³ Тадқикотлар натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

4-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида банк билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда)⁴

№	Йўналиш	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в
1	Микрокредит	20	15	8	-	5	12
2	Инкассация	20	20	15	-	-	5
3	Кредит	15	10	10	5	10	10
4	Лизинг	12	10	8	8	10	12
5	Нақд пул олиш	10	5	10	10	15	10
6	Конвертация	20	18	15		2	15
7	Пластик карточкада тўлов қабул қилиш учун хисоб-китоб терминалларни ўрнатиш	20	20	20	-	-	-

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида банк билан боғлиқ ҳолатлар таҳлилига тўхтадиган бўлсак, тадбиркорларда лизинг ҳамда кредит расмийлаштириш борасида муаммолар мавжудлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айрим тадбиркорлар фикрларига юзланадиган бўлсак, улар лизинг тўғрисида етарлича маълумотга ҳам эга эмас. (4-жадвалга эътибор қаратинг)

4-жадвал маълумотларини таҳлил этиш асносида шундай хulosага келиндики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг конвертация масалаларида етарлича муаммолар мавжуд. Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган сўровномаларда маълум бўлдики, микрокредит масалалари бўйича 28,2% (17та), инкассация бўйича 8,3 % (5та), кредит бўйича 41,6% (25та), лизинг бўйича 50% (30та), нақд пул олиш бўйича 58,3% (35та) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муаммоларга дуч келмоқда. Сўровнома иштирокчилари фақатгина пластик карточкада тўлов қабул қилиш учун хисоб-китоб

терминалларини ўрнатиш бўйича муаммо йўқ эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида ўтказилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатадики, 20 та респондентларнинг қарийб 75 %и, яъни 15 нафарида айнан конвертация ишлари хали-ханузгача ўз ечимини топмаган. Албатта бундай ҳолатлар тадбиркорлар учун муаммолар тўхдирмай қолмайди. Масаланинг яна бир томони Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Қашқадарё вилоятларида 60 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маълум қилишича, давлатимиз томонидан катор имтиёзли кредит дастурлари қабул қилинишига қарамасдан, банклар томонидан имтиёзли кредитларни беришда таниш-билишчилик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ҳамда соҳа вакилларининг сусткашларча иш қилаётганлиги кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг мавжуд бўлиши, албатта, тадбиркорнинг фаолиятига таъсир этади, яъни тадбиркор фаолияти учун етарли маблағни топишда муаммоларга учрайди.

⁴ Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Респондентлар эътирофига кўра, ҳар қандай тадбиркорнинг асосий мақсади фойда олишdir. Аммо афсуски, тадбиркорлар учун яратилган инфраструктуравий ҳолатларнинг талаб даражада эмаслиги, яъни электр ва газ таъминотидаги муаммолар тадбиркорларнинг тўлиқ қувватда ишлай олмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, улар давлат томонидан қўйилган солиқларни тўлаш ҳамда давлатдан олган кредитларни қайтариш учун топган фойдасининг маълум қисмини беришга мажбур бўлаётганлигини ҳам билдириб

утдилар. Бундан ташқари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари кредит олиш жараёни билан боғлиқ масалаларга тўхталар экан, энг биринчи галда кредитни банк томонидан қайтариб олиш муддатининг қисқалиги, кредит олиш жараёни билан боғлиқ масалалар мураккаблиги, банклар томонидан таклиф қилинаётган кредитлар чекланганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда рақобат бозори мавжуд эмаслиги каби муммоловар мавжудлигини айтиб ўтишган.

5-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида ноқонуний аралашув билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил (сонда).⁵

№	Йўналиш	Тошкент ш	Самарқанд в	Кашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Кашқадарё в
		Коррупция ҳолати мавжуд		Коррупция ҳолати мавжуд эмас			
1	Солиқ инспекцияси	10	10	5	10	10	15
2	Ёнгин назорат идоралари	-	-	-	20	20	20
3	Прокуратура	2	3	3	18	17	17
4	Ўзбекистон Республикаси бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти	-	-	-	20	20	20
5	Божхона идоралари	-	-	-	20	20	20
6	Ветеринария идоралари	-	2	10	20	18	10
7	Ўзстандарт	-	-	2	20	20	18
8	Статистика	-	-	-	20	20	20
9	ДСЕНМ	-	-	-	20	20	20
10	Ҳокимлик	5	5	5	15	15	15

Юқорида келтирилган 5-жадвални ўрганиш асносида шундай хulosага келиндики, Тошкент шаҳар, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бесабаб

аралашишлар Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан 41,6% (25 нафар), прокуратура органи ходимлари томонидан 15 % (9 та), ҳокимият вакиллари томонидан 25% (15 нафар) коррупцион ҳолатлари мавжуд.

⁵ Тадқикотлар натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

Коррупция ҳолатлари ёнгин назорат идоралари, божхона ва статистика идораларида кузатилмаган. Шунингдек, қолган 25%, яъни 15 нафар тадбиркор тадбиркорлик фаолиятига

тегишли ташкилотлар томонидан ноқонуний аралашиш ҳолатлари ўтган йилларга нисбатан анча камайганини билдирган.

6-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида молия ва ҳисоб билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда)⁶

№	Йўналиши	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарёв	Муаммо		Муаммосиз	
					Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарёв	Тошкент ш
1	Солик тўловларини ҳисоблаш	5	10	10	15	10	10	
2	Бухгалтерия ҳисобини юритиш	-	-	-	20	20	20	
3	Ҳисботларни топшириш	-	-	-	20	20	20	
4	Дебитор қарздорлиги	-	-	-	20	20	20	

6-жадвалга мувофиқ, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида молия ва ҳисоб билан боғлиқ ҳолатлар таҳлилидан кўриниб турибдикি, тадбиркорлик фаолиятининг айrim турларида ҚҚС нинг жорий қилиниши баъзи бир тадбиркорларнинг солик тўловларини ҳисоблашда муаммоли ҳолатларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида 41,6%, яъни 25 нафар тадбиркорлик субъектлари солик тўловларини ҳисоблашда турли муаммоларга дуч келаётганлигини ўз этирозларида келтириб ўтди.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида 2020-йил 1-январдан янги таҳрирдаги Солик кодексининг амалиётга татбиқ этилаётганлигидан мақсад жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари ушбу жараёнларга ёндашар экан, “Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солик тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.”, “Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиб, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак,” [3] эканлигини таъкидлаб ўтди.

⁶ Тадқикотлар натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

7-жадвал

Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда)⁷

№	Йўналиш	Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в	Муаммо			Муаммосиз			Хоҳлардим		
					Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в	Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в	Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в
1	Юридик маслаҳат бериш	-	-	-	5	-	-	15	20	20			
2	Менежмент ва маркетинг	-	-	-	-	-	-	20	20	20			
3	Хисоботларни топшириш (электрон)	-	-	3	20	20	17	-	-	-			

7-жадвалда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишида ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатлар таҳлили келтирилган бўлиб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, респондентларнинг барчаси, яъни 66,7%, яъни 40 нафар тадбиркорлар айнан юридик маслаҳат олиш ҳамда менежмент ва маркетинг бўйича қўшимча тренингларда иштирок этишини хоҳлашларини билдириб ўтди.

Тадбиркорларимизнинг ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксари тадбиркорлар учун юридик маслаҳат бериш бўлинмалари ҳамда менежмент ва маркетинг фани бўйича тадбиркорларнинг назарий ҳамда амалий билимларини ҳалқаро эътироф этилган моделлар асосида ўқитиш тизимига асосланган қўшимча ўқув курслари ташкил этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашлари маълум бўлди.

8-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги муаммолар билан боғлиқ ҳолатлар (2021 йил, сонда).⁸

№	Йўналиш	Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в	Муаммо			Муаммосиз			Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в
					Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в	Топкент III	Самарқанд в	Қашқадарё в			
1	Қайта рўйхатдан ўтиш	-	-	-	20	20	20	20	20	20			
2	Устав хужжатларига ўзгартириш киритиш	-	-	-	20	20	20	20	20	20			

⁷ Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Тадқикотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

8-жадвалнинг таҳлилий натижалари шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар Республикализнинг учала ҳудудида ҳам ўзининг ижобий натижасига эга. Шунингдек, Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти ва Қашқадарё вилоятларида иштирок этган 60 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ушбу жараёнлар ҳозирда қўнгилдагидек

бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, тадбиркорлар бугунги кунда эркин фаолият юритиши учун қилинаётган ислоҳотлардан кўнгли тўлаётганлигини, лекин юқори раҳбарият томонидан чиқарилаётган қарорлар ижроси ўрта бўғин раҳбарлари томонидан етарли даражада таъминланмаётганлиги, сусткашликларга йўл қўйилаётганлигини айтиб ўз эътиrozларини билдиришди.

9-жадвал

Тадбиркорларнинг самарали фаолият олиб боришида рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати (2021 йил, сонда).⁹

№	Йўналиш	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в	Тошкент ш	Самарқанд в	Қашқадарё в
1	Ахборот тарқатиш ва саклаш	12	14	15	8	6	5
2	Товар ва хизматлар ҳаракатида интернет воситаларидан фойдаланиш	14	17	17	6	3	3
3	Ахборот хавфсизлиги	16	18	19	4	2	1
4	Рақамли технологиялардан фойдаланиш	17	18	18	3	2	2
5	Рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича кўнкимга хосил қилиш	15	17	17	5	3	3

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритишида рақамли

технологиялардан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда қўйидаги муаммолар мавжудлигини гувоҳи бўлдик. Хусусан,

⁹ Тадқикотлар натижасида муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

ахборот тарқатиш ва сақлашда 68,3% (41та), товар ва хизматлар ҳаракатида интернет воситаларидан фойдаланиш бўйича 80% (48та), ахборот хавфсизлиги бўйича 88,3% (53та), рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича кўнишка хосил қилишда 81,6%, яъни 49 нафар тадбиркорлик субъектларида муаммолар борлиги маълум бўлди.

Эътиборли жиҳати шундаки, иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 70 фоиздан ортиқ кисми, ҳаттоқи, рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича кўникмага эга ҳам эмас (9-жадвалга эътибор қаратинг).

Ахборот тарқатиш ва сақлаш, яъни интернет тезлигининг пастлиги, истеъмолчилар ҳамда хом ашё етказиб берувчилик билан ўзаро алоқаларни ўрнатишда муаммолар туғдирмоқда. Тошкент шаҳридан иштирок этган тадбиркорларнинг 60%и Самарқанд вилоятидан 70%и ва Қашқадарё вилоятидан 75%и бу тизимда халигача муаммолар мавжудлигини, шунингдек, товар ва хизматларни сотишида марказлашган онлайн платформаларнинг йўқлиги пандемия шароитида ушбу соҳага қай дараҷада эътибор қаратиш зарур эканлигини 90% иштирокчилар тасдиқлашди.

Фикримизча, тадбиркорлик фаолиятида маълумотларни сақлаш бўйича электрон тизимнинг мавжудлиги тўғрисида респондентларнинг маълумотга эга эмаслиги ачинарли ҳолатdir.

Президентимиз Олий Мажлисга мурожаатида "...қилинаётган амалий ишларимиз натижаларига қарамасдан, тадбиркорларни қийнаб келаётган ҳамда уларнинг масалаларини шаффоф ечим топилмаётган ҳолатлар жуда кўп кўзга ташланаБтганлигини..." [2] бежизга таъкидлаб ўтмади.

Масала-масалалигича, муаммо-муаммолигича қолаётган вазиятларга ҳам тадбиркорларнинг дуч келаётганлиги, хусусан, ер масаласида ёки кредит масалаларида муаммоли ҳолатлар (халқ

тилида айтганда: отангга бор онангга бор қабили асосида) бўлмоқда. Моҳиятан олганда, тегишли ташкилотларга қилинаётган мурожаатлар тўлиқ ечим топмаётганлиги тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни "ёпиқ қозон" ичидаги қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шунча қилинаётган имконият ҳамда эркинликларга қарамасдан қатор тегишли ташкилотлар томонидан сусткашликларга йўл қўйилаётганлиги тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор омилларни юзага келтирмоқда:

Жумладан:

-давлат дастури доирасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш мақсадида тақдим қилинадиган мақсадли кредитлар ўзларининг тегишли манзилини топа олмаганлиги;

-тегишли ташкилотлар бир-бiri билан тил бириктириб кимларнингдир номига кредит расмийлаштириш эвазига пул ўзлаштириш ҳолатининг мавжудлиги;

-айрим фуқароларимизнинг тадбиркорлик борасида саводхонлигининг етишмаслиги ушбу соҳани ривожланишида тўсқинликни юзага келтираётганлиги;

-тегишли ташкилотлар томонидан манзилли текширувларни доимий равишида олиб борилмаслиги;

-тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида олинаётган пулларни бошқа мақсадларда сарфланиши;

-таниш-билишчиликнинг мавжудлиги, бунинг оқибатида ҳамма бир хил имкониятлардан фойдалана олмаслик каби муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини самарали бошқаришни баҳолаш учун тадқиқотимиз доирасида анкета сўровномалар таҳлили ўтказилиб, амалиётдаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва уларнинг умумлашган хулосасини тегишли жадвал қўринишида ифодаладик.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини самарали бошқаришни баҳолаш натижалари (фоизда)¹⁰

№	Йўналиш	Тошкент ш		Самарқанд в		Қашқадарё в	
		Муаммо	Муаммо сиз	Муаммо	Муаммо сиз	Муаммо	Муаммо сиз
1	Инфратузилмавий ҳолатлар	37,5	62,5	61,9	38,1	65,6	34,4
2	Лицензия ва рухсатномалар билан боғлиқ ҳолатлар	21,7	78,3	48,3	51,7	60,0	40,0
3	Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳолатлар	22,5	77,5	35,8	64,2	46,7	53,3
4	Банк билан боғлиқ ҳолатлар	16,4	83,6	30,0	70,0	45,7	54,3
5	Ноқонуний аралашув билан боғлиқ ҳолатлар	8,5	91,5	10,0	90,0	17,5	82,5
6	Молия ва ҳисоб билан боғлиқ ҳолатлар	6,3	93,7	12,5	87,5	12,5	87,5
7	Ўқув курслар, тренинг, мастер классларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатлар	58,3	41,7	66,6	33,4	66,9	33,1
8	Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги муаммолар билан боғлиқ ҳолатлар	0	100	0	100	0	100
9	Тадбиркорларнинг самарали фаолият олиб боришида ракамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати	74,0	26,0	84,0	16,0	86,0	14,0

Қониқарсиз

Қониқарли

Яхши

Юқорида келтирилган 10-жадвалда таҳлил этилиши лозим бўлган ҳолатлар шундан иборатки, энг муаммоли ҳолатлар вилояtlар кесимида инфратузилмавий (Самарқанд вилояти 61,9 %, Қашқадарё вилояти 65,6 %), ташқи иқтисодий фаолият (Самарқанд вилояти 35,8 %, Қашқадарё вилояти 46,7 %), ўқув курслар тренинг, мастер классларда иштирок этиш (Самарқанд в. 66,6 %, Қашқадарё вилояти 66,9 %) ҳамда ракамли технологиялардан фойдаланиш борасида (Самарқанд вилояти 84 %, Қашқадарё вилояти 86 %) кўзга ташланмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу йўналишларда вазият ижобий ҳолатда эканлиги маълум бўлди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики қанчалик қўйин бўлмасин мамлакатимизда тадбиркорларимизнинг ташаббуси, шижаоти ва салоҳиятини

юксалтиришимиз авваламбор Юртбошимиз таъкидлаганидек “...тадбиркорликка янги имкониятлар яратиши, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда” [4]

Хулоса. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича респондентларнинг фикрларини умумлаштирган холда қўйидаги хулосалар шакллантирилди:

тадбиркор томонидан яратиладиган инфратузилманинг бир қисмини давлат томонидан конвенсиация кўринишида тўлаб бериш механизмини яратиш;

амалдаги лицензия олиш ва рухсатнома бериш жараёнлари соддалаштирилиб, тегишли идораларни

¹⁰ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



хабардор қилиш ёки фаолиятни қайд этиб қўйиш тизимини яратиш;

инвесторларни излаб топишнинг онлайн платформа тизимини яратиш;

кредит маблағини ихтиёрий тегишли манзил бўйича йўналтириш имкониятини чегаралаб қўйилмаслигини олдини олиш учун эркин рақобат мухитини таъминлаб бериш;

тадбиркорга солик органини жарималаш ваколатини бериш ҳамда давлат бюджетига ортиқча тўланган солиқлар солик тўловчиларга

қайтарилиши кечиктирилган тақдирда солик органлари қайтарилиган маблағларни пенияси билан тадбиркорларга қайтариш тизимини такомиллаштириш;

инсон омиллари иштирок этмайдиган, рақамли бошқарув - "Digital government" тизимини йўлга қўйиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда замонавий бошқарув тизими Enterprise Resource Planning System ни босқичма-босқич қўллаш таклиф этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи// <http://aza.uz/oz/society/tan-idiy-ta-lil-atiy-tartib-intizom-va-shakhsiy-zhavobgarlik-31-01-2017>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йигилишидаги нутқи 2020 йил 8 январь. <http://aza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyev-yagona-y-limiz-tadbirkorlar-sonini-k-payti-08-01-2020>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

5. Cantillion R. Essay sue la nature du commerce en general (1755) Пер с франц. Ю.А.Школенко Социум, 2003. с 17.

6. Тюрго А. Избранные экономические произведения – М., 1961.-с 17.
7. А.Смит Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: 1962.
8. Д.Рикардо Начала политической экономии и налогового обложения / Соч. Т.1. М.: Госполиздат, 1956.

9. Дж.С.Милл Основы политической экономии. Пер. с англ. Т.1. – М.: Мысль, 1980., Сей Ж.-Б Трактат политической экономии. – М., 1986.-с 17.

10. Кейнс Дж. М. "Общая теория занятости и денег" М.: 1978 г, стр. 428.,Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1993; А.В. Аникин Юность науки. М., Политиздат. 1971 г. История экономической мысли. М., 1998.

11. М.Фридмен Основы монетаризма. Под науч.ред. Д.А.Козлова. пер.с англ. Д.А.Козлова-М.: ТЕИС, 2002.-175с.

12. Блоуг М. Экономическая мысль в ретроспективе. –М., 1994., 1994. – С-426., Шумпетер Дж. Теория экономического развития.-М., 1982.-с.161., Кауз Р.Фирма, рынок и право. Пер. с англ. Б.Пинмкера. – М.: «Дело» при участии «Catallaxy» 1993.-с.192.

13.Хоскинг А. Курс предпринимательства: Практическое пособие: пер. С англ-М.: Международные отношения, 1993.-352 с., Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей: пер с англ.-М.: Дело, 1997-с 72.



14. Mankiw G. Real Business Cycles: A New Keynesian Perspektive. *Journal of Economic Perspectives*. Vol.3, 1989, pp.79-90; Stiglitz J.E., Charlton A. Fair Trade for All: How Trade Can Promote Development Oxford University Press 2005, 315 pp.
15. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т. пер. с англ. 11-го изд. Т.1. – М: Республика. 1992; Курс экономической теории: учебник – 4-с доп. И прераб. Изд.-Киров «АСА», 1999, стр. 557-584; Пезенти А.Очерки политической экономии капитализма. пер. с. итал. В 2т. Т.2. – М.: Прогресс, 1976. с. др.
16. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Меҳнат», 1995. 192-б.
17. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. / Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т/, 2004. -18-б.
18. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишининг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. / Дис. авт. реф... иқт. фан. д-ри. - Т., 2017. -30-б.
19. Абулқосимов П., Қулматов А. Тадбиркорлик сермашаққат фаолият. «Иқтисод ва ҳисобот», 1997, 9-сон. -9-б.
20. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. - 349 б.
21. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.
22. Ж.Жалолов, А.Фаттахов, И.Ахмедов, И.Хотамов, Г.Ходжамуратова, А.Азларова, А.Шадманкулов, Д.Жалолова, Д.Қосимов. Бизнес маркетинги: Дарслик.- Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 308 б.
23. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Гойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.
24. Ходжаев Р., Эгамбердиев А. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 105 б.